

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 231 (10.536)

2005 ЙИЛ 28 НОЯБРЬ

### ПОЙТАХТНИНГ Бир кунги

Янгиликлар, воқеалар

#### ҚИСКА сатрларда

● **БУГУН** Мухтор Ашрафий маҳалласида "Маънавият ва маърифат" марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида ташкил этилган давра суҳбати "Конституция ва оила" деб номланди.

● **БУГУН** "Уриқзор" маҳалласида "Маънавият ва маърифат" марказининг Учтепа туман бўлими томонидан уюштирилган "Сиз ҳуқуқингизни биласизми?" мавзусидаги давра суҳбатида ҳуқуқшунослар ҳам иштирок этишди.

● **БУГУН** Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институтида "Конституция — бахтимиз Қомуси" мавзусида ўтказилган давра суҳбати "Маънавият ва маърифат" марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги 138-мактабда "Маънавият ва маърифат" марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан уюштирилган давра суҳбатида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг муҳим аҳамияти ҳақида сўз борди.

● **ТОШКЕНТ** матбаа коллежида "Маънавият ва маърифат" марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида уюштирилган концерт дастури Бутунжаҳон ёшлар кунига бағишланди.

● **МУҚИМИЙ** маҳалласида "Маънавият ва маърифат" марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати "Ўзбек қалби ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди" деб номланди.

Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва  
ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини юқори кўтариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар изчиллик билан рўйбога чиқарилмоқда, педагогларнинг моддий турмуш шароитларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчиларнинг масъулиятли меҳнати ва уларга гамхўрлик кўрсатиш ҳамisha давлатнинг диққат марказида туради. Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Ўқитувчиларга алоҳида устама ҳақлар жорий этилиши ва таълим стандартлари талабларига мувофиқ педагогларнинг иш юкларини мақбуллаштирилгани халқ таълими соҳасига ёш мутахассислар келиб қўшилишига имконият яратди.

Шу билан бирга, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришнинг амалдаги тизими мактаб таълимининг заиф бўлиши билан қолмоқдаки, бунда педагогларнинг истеъдоди, касб маҳорати ҳамон улар меҳнатида ҳақ тўлашнинг энг муҳим белгиларини кўрсаткичи бўлиб қолгани йўқ. Амалдаги тариф ставкалари даражаси пастлиги, устама ҳақларни белгилашнинг аниқ ва ошқор механизми йўқлиги ўқитувчиларнинг шахсий ҳиссаси намоян бўлмаслигига ва мактабларнинг педагогик салоҳиятини пасайтиришга олиб келмоқда.

Ўқитувчилар меҳнатида ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, истеъдодли, ўз касбига содиқ умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатида ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмни жорий этиш, ўсиб келаётган авлодни уйғун камол топтириш жараёнида уларнинг масъулиятини кучайтириш ва шахсий ҳиссасини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар педагог ходимлар меҳнатида ҳақ тўлаш такомиллаштирилган тизимининг бош вазифалари этиб белгилансин:

Ўз касбига содиқ ва ташаббускорлик, юксак касб маҳоратини намоян этаётган, таълим-тарбия жараёнига катта шахсий ҳисса қўшаётган талантли педагоглар рағбатлантирилишини назарда тутувчи халқ таълими ўқитувчилари ва бошқа ходимларнинг ҳиссаси муносиб баҳолалишини таъминлаш;

амалдаги иш ҳақи даражасини сақлаб қолишгагина эмас, балки энг муҳими — унинг ўсишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳолис ва ошқор механизмининг жорий этиш, амалдаги устамалар ва қўшимча ҳақни унификациялаш;

умумтаълим муассасалари педагог ходимларининг касб фаолиятига талаб ошганлигидан келиб чиқиб, улар меҳнатини моддий рағбатлантиришни табақалаштириш;

мактабларнинг мустақиллигини янада ошириш ҳамда директорлар ва ўқитувчилар жамоасининг ўқитувчилар меҳнатини ҳолисона баҳолаш ва рағбатлантириш би-

лан боғлиқ ишларда қатнашиш ҳуқуқларини кенгайтириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

2006 йил 1 январдан бошлаб халқ таълими муассасалари ходимларининг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий тариф ставкаларини белгиланган ҳолда халқ таълими муассасалари педагоглари ва раҳбар ходимлари меҳнатида ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

ўқитувчиларга тарбиявий ва сифдан ташқари ишларни бажарганлик, касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳиссаси, юқори натижалар ва таълим сифати учун базавий ставкаларга устама ҳақ, шунингдек ушбу муассасаларнинг ходимларига бир марта бериладиган мукофотлар ва моддий ёрдам бериш учун Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш;

Давоми 2-бетда.

### XVI аср аср

Барча мактаблардан  
олинган сўнги хабарлар

#### Мамлакатимизда

● Тошкентда БМТнинг Тараққиёт дастури ва республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш Бош бошқармаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими мутахассисларининг малакасини оширишга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

● Андижон Давлат университетида вилоят талабалари Олий Мажлис депутатлари, сиёсатшунослар билан учрашди.

● Бир ҳафта давомида Фарғона водийсида Россия, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозғистондан келган 500 дан ортиқ меҳмонлар иштирокида "XXI аср асарличилиги" мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференцияда тармоқдаги ютуқ ва тажрибалар, мавжуд муаммолар муҳокама этилди.

● Тахياتош шахрининг 7-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида "Етти ҳазина — Тахياتош" кичик корхонаси иш бошлади. Корхона қошида тикувчилик цехи, новвойхона ва озиқ-овқат дўкони ҳам ишлармоқда.

● Андижонлик 15 нафар шифокор декабрь ойда Украинага бориб, бир ой давомида Харьков тиббиёт академиясида малака оширишди.

#### Жаҳонда

● Кения мамлакатиде сайловчиларнинг 58 фоизи Президент Мваи Кибакнинг таклифига биноан тайёрланган янги Конституция лойиҳасини рад этди. Лойиҳанинг рад этилиши халқнинг ҳуқуқатга ва Президентга ишончсизлиги билан характерланади.

● Хитой шимолида жойлашган Цзилинь шахридаги кимё заводида портлаш содир бўлди. Оқибатда 100 тоннадан зиёд захарли суюқлик Сунгари дарёсига қўшилиб кетган, 70дан ортиқ ишчи жабрланган.

● Украина ҳукумати парранда грипидан сақлиниш мақсадида мамлакатга Россия ҳудудидан товук гўшти олиб киришни тақиқлади. Эндликда Россия, Руминия, Туркия, Франция ва Қозғистоннинг парранда маҳсулотлари Украина чегарасидан ўтказилмайди.

● Шри Ланкада ёққан кучли ёмғирлар натижасида юзага келган сув тошқинларидан сақлиниш учун 20 минг аҳоли ўз хонадонларини ташлаб хавфсиз жойларга кўчишга мажбур бўлди.

## ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ДОВРУФИ

### ШАХРИМИЗДА ИККИ КУН ДАВОМИДА БЎЛИБ ЎТГАН КУРАШ БЎЙИЧА V ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ПОЛВОНЛАР КАТТА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШДИ

Тарихий илдизалари чуқур, маънавият ва қадриятларга бой халқнинг аъналарини ҳам боқий бўлади. Буюк ўтмишдошларимизнинг бебаҳо илмий мероси, улар томонидан бунёд этилган кўркам ва бетакор иншоотлар, жумладан илдизи минглаб йилларга бориб тақалувчи миллий курашимиз ҳам ҳамisha боқий маънавий бойликларимиз, ўлмас аъналаримиз сирасига киради.

Икки кун давомида "Ўзбекистон" спорт мажмуасида мамлакатимизнинг даярли барча ҳудудларидан келган ишчибозлар билан лик тўла ҳолда ўтган кураш бўйича V жаҳон чемпионати баҳсларини кузатар эканмиз ҳаёлимиздан беихтиёр юқоридаги фикрлар ўтди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби маънавий қадриятларимиз, хайрли аъналаримизнинг тикланишига кенг йўл очилди. Бинобарин, Истиқлолга юз тутганимиздан сўнг спортни ривожлантиришга қаратилмаётган улкан эътибор ва сайё-харакатларнинг самараси ўларок юртимиз ҳақи равишда дунёдаги йирик спорт марказларидан бирига айланди. Ўзбекистон кўпгина спорт турлари бўйича ёшлар ва кат-



талар ўртасида жаҳон, Осиё чемпионатлари, жаҳон кубоклари ҳамда Олимпиадага саралаш мусобақалари, кўплаб нуфузли халқаро турнирларида меъзолик қилди.

Давоми 4-5-бетларда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

қонун ҳужжатларида белгиланган усталикларни, шунингдек мукофотлар ва моддий ёрдам бериш учун умумтаълим муассасаларидан ташқари Мактабгача, мактабдан ташқари ва халқ таълими бошқа муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармасини сақлаб қолдиш тўғрисидаги таклифи розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг умумтаълим муассасалари ходимларининг меҳнат ҳақини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан уларнинг иш ҳақи келгуси йилда барча ҳақ тўлаш манбалари ҳисобига (ҳар йилги индексациялар бу ҳисобга кирмайди) ўрта ҳисобда 1,3 баравар оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, Умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган ҳисобидан уларнинг рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағларини тасарруф этиш ҳар бир умумтаълим муассасаси — мактабда, тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ҳамда педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган махсус комиссиялар

томонидан амалга оширилади.

4. 2006 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари директорлари ҳамда директорларнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларнинг иш ҳақи миқдори ўртача 1,4 баравар кўпайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йилги Давлат бюджет доирасида халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ҳамда умумтаълим муассасалари директорлари ва директор ўринбосарларининг иш ҳақини кўпайтириш билан боғлиқ харажатлар ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда:

ўз мажлисида халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини, Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, Умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган ҳисобидан уларнинг рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисидаги Низомларни тасдиқласин;

халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсин ва унинг натижаларини ҳар чоракда ўз мажлисларида муҳокама қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 25 ноябрь

## ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲИНДИСТОНДА БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунилик палатаси спикери Эркин Халилов бошчилигидаги делегация Ҳиндистон Республикасида бўлди.

Таъкидлаш жоизки, дўстона вазиятда ўтган учрашувлар чоғида Ҳиндистон расмий доираларининг вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил апрель ойида Ҳиндистонга бюрган давлат ташрифи якунларига юқори баҳо бердилар. Улар мазкур сафар давомида имзоланган ҳужжатлар туркуми кўпгина соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик ривожини устувор омил бўлаётганини алоҳида таъкидлашди.

Ҳиндистон вице-президенти, мамлакат парламенти юқори палатаси—Раҗья Сабха раиси Бхайрон Сингх Шеҳават билан бўлиб ўтган учрашув давомида

турли соҳалардаги алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Томонлар Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий асос яратилганини қайд этдилар.

Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг Ҳиндистон парламенти куйи палатаси—Лок Сабха спикери Сомнат Чаттержи билан бўлиб ўтган учрашувда мезбон мамлакатимизда икки палатали парламент ўз фаолиятини муваффақиятли бошлагани муносабати билан ўз табригини изҳор этар экан, бўлиб ўтган сўнгги парламент

сайловларининг якунлари ўзбек халқининг демократик қадриятларига содиқлигини тўла намоян этганини алоҳида таъкидлашди. Учрашувда икки мамлакат парламенти раҳбарлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди.

Мамлакатимиз парламенти делегацияси аъзолари Ҳиндистон давлат ташқи ишлар вазири Идаппакат Аҳамед билан ҳам учрашдилар. Мулоқот чоғида Идаппакат Аҳамед Ҳиндистон Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳаммаҳал қатъий эътибор қаратишини қайд этди. У ахборот

технологиялари, нефть ва газ, транспорт коммуникациялари, тўқимачилик, энгил саноат, фармацевтика ва бошқа кўпلىб йўналишларда биргаликда амалга оширилаётган ишлар ва ҳаётга татбиқ этилиши муҳокама этилаётган янги қўшма лойиҳалар икки томонлама ҳамкорлигини янада юқори босқичларга кўтариш учун хизмат қилишига қомил ишонч билдирди.

Шунингдек, ҳинд заминидан ана шундай руҳда ўтган учрашувлар давомида ўзаро маданий алоқалар кўламлигини кенгайтириш, таълим, илм-фан ва бошқа соҳаларда мутахассислар малакасини ошириш юзасидан амалга оширилаётган алмашув дастурлари сонини кўпайтириш сингари масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Садриддин СУЯРОВ,  
«Жаҳон» АА муҳбири,  
Дехли

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Фотосурат санъати халқаро федерацияси (FIAP) билан ҳамкорликда ташкил этилган Тошкент халқаро «Фотобиеннале—2005» танлови ҳам шу мақсадларни кўзлаган ҳолда уюштирилди.

— Фотография санъати ижтимоий ҳаётимизда юқори ўринда туради, сабаби — у ҳаёт воқеалари хусусида реал ахборотларни бера олади, — дейди танлов қатнашчиларидан бири суратқаш Абдулгани Жумаев. — Шунинг учун санъатнинг бу тури дунёдаги ҳар хил ташкилотлар, махсус институтлар томонидан қўллаб-қувватланади.

Қуни кеча Замонавий санъат марказида мамлакатимизда учинчи марта ўтказилаётган мазкур танловнинг якуний натижалари эълон қилинди. Таниқли санъатшунослар Жак Дели (Бельгия), Маттео Модс (Италия), Борис Попов (Украина), Шавкат Болтаев ва Виктор Ваткин (Ўзбекистон)дан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан жаҳоннинг 34 та мамлакатидан фотосуратлар 202 нафар муаллифининг 984 та фотосурати бор неча босқичдаги саралашдан ўтказилиб, улардан энг кўп овоз тўплаган 213 таси Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат марказида намойиш этиладиган «Фотобиеннале—2005»


кўргазмасига танлаб олинди. Бу йилги танловга илк марта рангли суратлар қаторида оқ-қора тасвирдаги асарлар ҳам киритилди. Танлов якуни бўйича FIAPнинг олтин нишонлари швециялик Нильс-Эрик Жерлеманнинг эркин мавзудаги «Соябон ва чизик» (ран-

йўналишида бош совринга сазовор деб топилди.

— Бу тadbирнинг юртимизда ўтказилаётганиги барча санъат ихлосмандларини хушнуд этди, — дейди Камолдин Бехзод номидаги Санъатшунослик инс-титутининг 2-босқич талабаси Гулрух Каримова. —Ўзим санъаткор оиласида вояга етганман, шунинг учун бўлса керак ҳаётимни санъатсиз тасаввур қила олмайман. Кўргазмага қўйилган «Дунёда аза тутётган аёл» (Исроил), «Севилган аёл» (Польша), «Кўёш бошидан сунг» (Греция), «Йиллаган аёл» (Норвегия) каби фотосуратлардан жуда таъсирландим, шунингдек замонавий усул — компьютер графикасидаги асарларни ҳам юқори баҳора лойиқ деб ўйлайман.

Айтиб ўтиш жоизки, «Фотобиеннале — 2005» танловига топширилган БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Тошкентдаги Гёте институти ҳамда Япониянинг «Гудак» фотосуратчилар жамиятига қарашли фотосуратлар ҳам турли номинациялар бўйича совринларга сазовор бўлди. Танлов доирасида FIAP— Фотосурат санъати халқаро федерацияси фаолияти билан таништирув маросими ўтказилди.

Шаҳло ҲОШИМОВА



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

• Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида Осиё ва Тинч океани худудида жойлашган давлатларининг икки кунлик саммити бўлиб ўтди. Унда Осиё — Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо 19 та давлат /улар орасида Россия, АҚШ, Япония, Хитой сингари ривожланган давлатлар ҳам бор/ раҳбарлари ҳамда Тайбэй ва Сянган маъмурияти етакчилари қатнашди. Саммит сўнггида «Пусан декларацияси» имзоланди.

• Эрон парламенти мамлакатнинг ядро дастури билан боғлиқ масалани кўриб чиқиш учун БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига оширилса, БМТнинг Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) инспекторларини ядро объектларига киритмаслик ҳақида қарор қабул қилди. Парламентнинг 197 аъзосидан 183 нафари ушбу қарор учун овоз берди.

• Исроил бош вазири Ариэл Шарон мамлакатдаги ҳукмрон партия — «Ликуд» таркибидан чиқишга қарор қилди ва Кнессет учун муддатидан аввал ўтказиладиган сайловларга ўз тарафдорлари билан янги партия тузмоқчи. Бундан ташқари Шарон парламенти тарқатиб юбориш ва янги сайлов ўтказиладиган кунни белгилаш учун мамлакат президенти Моше Кацавга мурожаат этди.

• Мичиган штатининг Хилдсдэйл шаҳарчасига 18 ёшли йилгича мэр этиб тайинланди. Майкл Сешсон май ойларидан ўз номзодини сайловга қўймоқчи эди. Бироқ ёши етмагани учун ортга қайтган. У йилнинг 22 сентябрида у 18 ёшга тўлди ва сайловда иштирок этиб галабага эришди.

• Мисрда парламент сайловларининг иккинчи тури бошларини арафасида хавфсизлик органлари «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг 200 нафарга яқин фаолларини ҳисобга олди. Ташкилот вакили Ассом ал-Арриённинг сузларига кўра улар орасида депутатликка номзодларнинг тарафдорлари ва вакиллари бор. Reuters ахборот агентлигининг маълум қилишича, бу воқеа ҳукуматнинг мазкур ташкилотга нисбатан бетарафлик сиёсати ўзгарганидан далолатдир.

• Сомалида қароқчилар томонидан бир ойдан буён ушлаб турилган кема ва унинг экипаж аъзолари озод қилинди, деб хабар беради Reuters агентлиги. Ичида 25 нафар грекларни олиб кетаётган «Сан-Карло» танкери Жанубий Африка Республикаси соҳилларида бориши лозим эди. Йўлда уни сомалилик қароқчилар гаровга олишди. Кения денгиз йўллари уюшмаси вакилининг сузларига кўра, олиб борилган узоқ музокарадан сўнг танкер озод қилинди. Бироқ бунинг эвазига қанча товон пули тўланганлигини айтмади.

• Австралиянинг Раттенберг шаҳри аҳолиси ўзлари яшаётган худудни улкан кўгулар мажмуи билан ёритишни режалаштирмоқда. Гап шундаки, шаҳар бутун киш мобайнида баландлиги 900 метрли тоғ соясида қолиб кетади. Энди тоғ қиялигига 30 та «ақли» кўзгу — гелиостатлар ўрнатади. Улар кўёш ортидан бурилиб, унинг нувларини зарур томонга йўналтириб туради.

Ўсиб келаётган ёшларни она-Ватанга садоқатли, ватанпарвар, жисмонан соғлом, бақувват, комил инсон бўлиб вояга етишларида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар бўлимининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

### Анжуманлар

## ИШ РЕЖАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Хусусан «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидати тўман Кенгашлари томонидан халқ ҳўжалиги оммавий техник касб ҳодимларини тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт секциялар ва тўғрақлар фаолиятини ривожлантириш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтга қадар «В» тоифаси бўйича 1170 та, «В» дан «С» га эса 438 та, «Е» тоифаси бўйича 120та, жами 6393 та оммавий техник касб мутахассислари тайёрланди.

Кўни кеча МКТ «Ватанпарвар» Тошкент шаҳар Кенгашининг В пленуми бўлиб ўтди. Амалдаги қонунлар ва ташкилот Низоми асосида фаолият олиб борган «Ватанпарвар» тизимида ўтган давр мубоайнида бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу хусусда пленум қатнашчиларига МКТ «Ватанпарвар» Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Назриддин Ризаматов ҳисобот бераётган экан, жумладан қуйидагиларни алоҳида таъкидлади.

— Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги олдимизда турган асосий ва устувор йўналишлар ҳақидаги маърузаларида бош вазифа—жамятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида либераллаштириш, яъни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришдан иборат экани аниқ белгилаб берилган эди. Бу борада бизнинг ташкилотимиз ҳам қўйилган асосий вазибаларни бажарган ҳолда йилни ёрўз ўз билан яқунламоқда. Тасарруфимизда 11 та тўман Кенгашлари, 11 та ўқув спорт техника клублари, 1 та бирлашган техника мактаби, 24 та ватанпарварлик клублари, 151 та бошланғич ташкилотлар ва 11 та шўба бақороналар фаолият юритмоқда. Тошкентлар Низомда белгиланган вазибаларни ҳаётга татбиқ этган ҳолда ўз ишларини «Камолот» ЁИХ, «Махалла», «Нуроний» жақмармалари ва тўман ҳўкмиликлари билан ҳамкорликда олиб бормоқдалар. Хусусан давлат дастурларини бажариш, «Сихат-саломатлик йили» дастурини ҳаётга татбиқ этиш, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ишини йўлга қўйиш ва бошқа тадбирлар асосида маҳалла ёшларини спортга жалб

этиш ишлари учун 42 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, тўман кенгашлари тасарруфидати ўСТКларида синф хоналари, амалий ўқув хоналари замон талабларига мос равишда жиҳозланди, автотренажёр ўрнатилди. Яқсаркор, Бектемир, Шайхонтоҳур тўман ўСТКларида ўқув хоналари таъмирланди ва жиҳозланди. Жорий йилда аҳолига пулли хизмат кўрсатишдан 60 миллиондан зиёд даромад олинди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки «Ватанпарвар» ташкилоти ўзини ўзи маблағ билан таъминловчи жамоат ташкилоти сифатида мустақил фаолият юритган экан, Сихат саломатлик йилида хайрли, савобли юмушларни бажаришда ҳам муносиб ҳисса кўшиб келмоқда. Жумладан, аънавий тарз—давом этиб келаётган хайрли юмуш—урош ва меҳнат фаришларига моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди, 25 та кўп қаватли уйлари тўлиқ таъмирлаш ишларига бош-қош бўлинди. Яна шахримиз тўманлари маҳалларидида яшовчи кам таъминланган оила фарзандларининг спорт тўғрақларига имтиёзли равишда қатнашишлари таъминланмоқда. Бундай мисолларни яна кўлаб келтириш мумкин.

Шунингдек, Кенгаш раиси ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам борлигини айтиб ўтган ҳолда уларни бартараф этиш, келгусидида иш режалари хусусида батафсил тўхтади.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳўқими ўринбосари А.Аҳмедов, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи Р.Шамсиев, «Нуроний» жақмармасининг шаҳар бўлими раиси М.Зуфаров, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жақмармаси раиси вазибаларни бажарувчи Б.Қосимовлар сўз олиб Кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумда шаҳар Кенгаши раисининг ҳарбий техник тайёрғарлик бўйича ўринбосари, раёсат аъзолари сайланди. Келгусидида янги иш режалари, вазибалар белгилаб олинди.

Тақлиф ва истақлар муҳомада этилиб, саволларга тўлиқ жавоб берилди.

Шоира МУХАМЕДОВА

## НАВҚИРОН ВА ҚОБИЛИЯТЛИ

— Ўзбекистонга келиш менинг эзгу орзуим эди,— деди пианиночи ва бастакор Вестард Шимкус Ўзбекистон Давлат консерваториясида берган концертдан сўнг «Туркистон-пресс» ақборот агентлиги муҳбирига. Латвия Республикаси ташкил этилганининг 87 йиллик санасига бағишланган концерт мазкур давлатнинг мамлакатимиздаги элчиносони томонидан ташкил этилди.

— Бу маузаам залда кўпгина таниқли созанда, бастакорлар концерт беришган,— деди консерватория ректори Дилор Муродова.— Тошошбинлар бугун нурили истиқбол эгаси бўлиши навқирон ва қобилиятли бастакор, созанда, юксак ижрочилик маҳорати эга бўлган Вестард Шимкус санъатидан баҳраманд бўлишди.

Унинг сўзларига қараганда, Вестард Шимкуснинг фақат ўзигагина хос бўлган ижрочилик маҳорати, юксак услуби пианиночи сифатида нафақат ўз ватанида балки, Франция, Россия, АҚШ, Польша, Швеция, Украина, Италия, Германия каби давлатларда шўхрат қозонишига сабаб бўлди. Эндигина йигирма бир бақорни қаршилаган мусиқачи ўн икки та халқаро танлов ғолиби бўлган.

В.Шимкус «Куррамининг ёш исмлари» халқаро ташкилотининг стипендиати ҳисобланади. Пойтахтимиз меҳмонлари ва мусиқачи санъати илҳомланди унинг ижросида Гайдн, Равел, Балакирев, Моцарт, Римс-

кий-Корсаков, Вильмс, Зиммер каби дунёга донғи кетган бастакорларнинг мусиқаларини тинглашди. Зални титратган гулдурос қарсақлар, «Браво» олқишларини унинг маҳорати бақилган олий баҳо бўлди.

Ёш пианиночининг таъкидлашича, мусиқачи унинг ҳаётга айланган.

— Хали кўп нарсаларни ўрганишим керак,— деди Вестард Шимкус.— Маҳоратини янада юксалтиришим, услуб устида ишлашим лозим.

В.Шимкус ўзида мусиқачи бўлган қобилиятни сезиб, беш ёшида мусиқачи мактабига етаклаб борган отасидан жуда миннатдорлигини билдирди. Рига мусиқачи мактабин битирганидан сўнг, 2002-2003 йилларда у АҚШнинг Жанубий Калифорния штатидаги Дэнисел Поллак синфиди тахсил олди.

— Аввалига мусиқачи билан шуғулланиш менга унчалик ёқмагани,— деди Вестард Шимкус.— Аммо ота-онамни хафа қилмаслик учун тир-шўқоқлик билан пианино чалишни ўрганавердим. Ўн ёшимда Латвияда ўтказилган

ёш мусиқачилар танловида ғолиб бўлганим ҳаётимда бурилиш ясади. Биринчи соврин ва тошошбинларнинг ҳаяжон тўла олқишлари ма-шуғулларимга янада масулият билан қарашга ундади. Биринчи бўлиш, менинг назаримда, бир сония ҳам бўшашмасликка, ҳеч қанақа қийинчиликларга қарамай фақат юксакликка интилиш дегани. Мен ҳар кўни беш-олти соат мусиқачи билан шуғулланаман,— деди у.

Мусиқачи мунаққидлари ва санъат арбобларининг фикрича бу қобилиятли мусиқачида ички интизом ва ёшлик шаққи ҳайратланарли тарзда уйғулланган. Мусиқачининг семимли иши бўлиши— янги уйлари басталашда унинг салоҳияти яққол кўринмоқда. Хамагга маълум «Ковок ари парвози», «Огинский полонези», Мендельсоннинг «Тўй марши» каби кўйлар унинг ижросида янги-чача талқин, янги-чача оҳангларда янгради. В.Шимкус басталаган мусиқачи ўзининг ёрқин оҳанглар, ўйноқлиги билан ақралиб туради.

«Туркистон-пресс»

### Муҳозаза, муҳозара

## КўНГИЛДАГИ ГАПЛАР

### АЙТИНГ, НИМА ҚИЛАЙ?

«Аслида бу хатни ёзмасам ҳам бўларди. Лекин кўнглимдаги армон мени шунга мажбур қилди. Мен ота-онамнинг ягона қизиман. Эсимни энди таний бошлаганимда, отам бизни ташлаб кетган. Уша оғир кўнларни ҳамон эслайм-ман. Онамнинг йилганларини, кўз ёш тўкиб афсус-надомат чекканларини, мени кучоқлаб «Энди нима қиламиз, қизим» дея унсиз бағриларига босганлари— ҳаммаси ёдимда.

Онам чидам ва бардош билан отамни кўтирлар. Ахир ҳеч бўлмаса боласини ўйлаб бир кун қайтиб келиб қолар, деган ҳаёлда эдилар. Афсуски, отам қайтмади. Йиллар ўтиб улардан бир мактуб олди. Ҳозир ҳам шу хат менда сақланади. Унда шундай сатрлар битилганди. «Малоҳат, мен бахтимни топдим. Мендан уминдигни уз, овора бўлиб пойлама ҳам. Шу хатни талоқ хати деб бил. Бошинг очик. Агар тенгингни топсанг, тегиб кетавер. Айтиб қўй, менга бола ҳам керак эмас. Ундан ҳам, сендан ҳам кечдим. Аҳмадилло».

Отамнинг бу мактуби онамнинг дардида дард қўшди. Кўп ашамдиллар. Улимлари олдидан менга: «Қизим, минг қилса ҳам ўша одам сенинг отанг, уни унутма. У Кўқонда яшайди. Агар манзили керак бўлса ёзиб ол. Мендан кейин қийналиб қолсанг, излаб топарсан», дея менга отамнинг яшди жойини айтиб ёздирдилар.

Уша кеча онам касалхонада вафот этдилар. Мен эндигина еттинчи синфда ўқиётган қизалоқ ёлғизланиб қолдим. Онажонимнинг бутун маросимларини тоғам ўтказдилар. Хат ёзди. Отам келмади.

Урта мактабни битириб, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирдим. Олийғоҳни битириш арафасида қандайдир тажриба ўташ учун бир гуруҳ дугоналарим билан Кўқонга йўлланма олди. Ҳар эҳтимолга кўра отамнинг манзили ёзилган қоғозни ҳам олволдим.

Отамни кўриш иштиёқи мени сира тарк этмади. Дугоналаримга у-буни бақона қилиб у кишини қидириб бордим. Топдим. Эшик тағида мени бир аёл кўтиб олди. Саломлашиб ундан отамни сўрадим. Аёл индидаги чимири-либ ҳовлига кириб кетди. Бироздан сўнг унинг овози эшитилди.

— Чикинг, арзандангиз келди. Эшик тағида сизни кўтиб турибди. Кўп ўтмай рўпарамда ўрта ёшли бир киши пайдо бўлди. Билдимки, шу менинг отам.

— Нима гап, кел, тинчликми?  
— Отажон,— дедим меҳрим жўшиб,— мен сизнинг қизингиз Ҳилоламан, танидингизми?

Қучоқ очиб отам томон югурдим. У мени совуқ қаршилади.  
— Нега келдинг? — деди у.— Бор гапни айтиб сизларга мактуб йўллаганманку.

Бирдан баданимга совуқ тер югурди. Унинг бўйнидан қучган кўлларимни туширдим. Сўзсиз, садосиз изимга қайтдим. У ҳам ҳеч нарса демай эшикни тарақлатиб ёпиб ичкари кириб кетди. Шу кўни ўлмай туриб отамдан бутунлай ажралганимни ҳис этдим.

Йиллар ўтди. Тенгимни топиб турмуш қурдим. Уғил-қизларимнинг бўйи етиб қолди. Ўзим олий тоифали шифокорман. Яқинда Кўқондан ўғай онамдан хат олдим.

«Ҳилола, отанг оғир аҳволда касалхонада ётибди. Уни ҳар сафар кўргани борганимда қизимга хат ёз, келсин, мени кечирсин, ҳеч бўлмаса ўлимим олдиди у билан рози-ризалик тилашай, деб мени қийин-қийинга олади. Шунинг учун бу мактубни сенга ёзяман. Ўзим чор-ночор яшайман. Отангнинг касалини боқиб, унга дори-дармон олишга кўчим етмайди. Минг қилса ҳам сен шифокорсан, балки фарзандлик ҳурмати отангни ўзинг билан олиб кетарсан, ўзинг даволарсан, деб отанг номидан хат йўловчи Мангзарам».

Бор гап шу. Энди сиз айтинг нима қилай? Мен чор-ночор яшаётганимда қий боқмаган, фарзандлик меҳри кучлилик қилиб эшигини истаб борганимда мени ҳайдаб солган отамга қандай ёрдам берай? Бошим қотди. Менга йўл кўрсатинг, азизлар».

Ҳилола АХМЕДОВА

### ЛАФЗСИЗЛИК

Қичкина ўғилчамизнинг туғилган кунига шим билан куртқа харид қилмоқчи бўлиб «Отчопар» бозорига бордик. Бозор гаўжум. Истаган кишим-кечагингизни топасиз. Айлиниб юриб бир неча жойда бизга керакли бўлган буюмни учратдик. Нархи ҳар қил бўлгани учун харид қилишга шўшлмадик. Арзонроғи топилиб қолар деб бозор айландик. Бир жойдан биз истаган шим билан куртқа топилди. Лекин у ўғилчамизга катта-кичик келмасмикан, деган ҳаёлда ўйланиб қолдик. Сотувчи йигит ҳолатимизга тушунди. шекилли сўз қотди.

— Олаверинглар, катта-кичик бўлса алмаштириб бераман.

— Шунанга қилса бўладими?

— Бўлади, бўлади, ака. Ҳаммамиз бола деб юрибмизда. Ушалар хурсанд бўлсин дейимиз.

«Боложон» сотувчининг сўзларига ишондик. У биз харид қилган буюмни чиройли қоғозга ўраб, боғлаб берди.

— Буюрсин,— деди биз билан хайр-хўшлашиб.

Орзулаб олган совғамиз ўғилчамизга катта келди. Эртасига унинг ўзини етаклаб харид қилган жойимизга келдик.

— Келинлар, хизмат,— деди сотувчи гўё бизни биринчи бор кўраётгандек.

— Биз кечаги ўғилчамизга совға олган миқозларимиз. Афсуски, шим билан куртқа катталик қилди. Шунинг бошқасига алмаштириб берсангиз деб келдик. Сотувчи хўрайиб бизга қаради.

— Биринчидан, бизда сотилган нарса қайтариб олинмайди. Иккинчидан, алмаштиришининг ҳам иложи йўқ. Учунчидан, бунақа шим-куртка менда йўқ. Балки бошқа сотувчи билан адаштираётгандирсиз мени,— деди зарда билан у.

Бу гапдан хайрон қолдик. Уртага аёлим аралашди.

—Уақжон, бир киши бўлсаки янгилишас. Нахотки кап-катта иккита одам кўни кеча қўрган сизни танимаётган бўлмас. Ёлғон ҳам эви биланда.

— Қўйинг опа, бошимни қотирманг. Бозор катта. Уғилчангизга шим билан куртқа катта келган бўлса ўзгага сотинг, қўйинг. Кейин бошқасини олиб бераверасиз.

Билдикки, сотувчи билан талашиб-тортишиб ўтиришимиз бекфойда.


Ушбу сатрларни ўқиган газетчон балки, шу арзимас гапни барчага дoston қилиб ўтириш шартми, деган ҳаёлга ҳам бориши мумкин. Олдинги биз ҳам шундай фикрда эдик. Лекин кўннинг қараб туриб ёлғон гапириб, ўз сўзидан тонган, лафзсиз йигитнинг қилмиши негадир бизга тинчлик бермади. Меҳр-оқибатли одамлар орасида шундай лафзсизлар ҳам борлигидан афсусланиб ёзди бу хатни.

Холмат РАСУЛЕВ




Давоми. Боши 1-бетда.

Айниқса халқимизнинг азалий қадриятлари ва бой анъаналарининг меваси бўлмиш курашнинг таракқиётида жуда қисқа муддат — 7 йил муҳим босқич сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Ушбу давр мобайнида Кураш Халқаро Ассоциацияси томонидан Курраи замининг борча бурчакларида кўплаб тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисида миллий спорт туримиз жаҳон мамлакатларига дадил кириб борди. Чунончи Африка, Пан-Америка, Европа, Осиё, Океания китъаларида кураш конфедерациялари ташкил этилиб, 75 дан ортиқ давлатларда кураш федерациялари ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирда бешта китъа мамлакатларида ўтказилаётган турнирларда "ҳалол", "чала", "ёнбош" каби миллий атамаларимизнинг баралла янграётгани ҳам киши қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.



Иккинчи бор юртимизда ўтказилган жаҳон чемпионати ҳам ўзбек курашининг ҳақиқий тантанасига айланиб кетди. Чемпионатнинг кўнгилдагидек ўтиши учун шахримиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида барча шарт-шароитлар яратилди. Турнирда беш китъанинг олти мишга яқин мамлакатидан энг кучли 150 га яқин полвонларнинг иштирок этганлиги ҳам унинг қанчалик нуфузи ошиб бораётганидан аққол далолат бериб турибди. Зеро, битта расмий халқаро Олимпиада ўйинларидагина кузатиладиган ҳолат эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.



Турнирнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг 63, 70, 78 ҳамда 87 килограммгача вазндаги аёллар ҳамда 81, 90, 100 килограммгача ва 100 килограммдан ортиқ вазндаги эркеклар гиламга тушиб, галаба учун кураш олиб бордилар.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, 63 килограммгача бўлган дастлабки вазн тоифасида ўтказилган мусобақада мамлакатимиз спортчиси Умида Сафаровани финалда енгган футбол юрти вакили Масия Мартинс ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олиб, чемпионатнинг илк олтин нишонини кўлга киритди.

70 ҳамда 78 килограммгача бўлган кейинги вазнларда эса галаба нашидасини суриш ҳамюртларимиз Гулмира Исмамова ҳамда Зулхожа Худояроваларга насиб этди.

Мусобақанинг биринчи кунини аёллар ўртасидаги турнирда энг қизиқарли баҳслар 87 килограммдан ортиқ вазнда кечди десак, янглишмаймиз. Зеро, ушбу вазнда қатор халқаро мусобақалар голиби туркиялик Белкис Зехра Кая кучли маҳоратини намойиш этиб, чиройли галабаларга эришгани ҳолда финалга йўлланма олди. Ўз навбатида юртошимиз Дилноза Қамбарова ҳам рақибларидан анча устун бўлгани ҳолда ҳал қилувчи баҳсда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди. Финалда туркиялик курашчининг кўли баланд келгани ҳолда жаҳон чемпионини унвоини соҳиби бўлди.

Эркеклар ўртасида 81 килограммгача вазнда Рамзиддин Саидов (Ўзбекистон) эронлик рақибни Али Мухаммаднани доғда қолдиргани ҳолда чемпионларимиз сафини яна биттага кўпайтирган бўлса, кейинги вазнда ҳам курашимизнинг энг кучли ва мохир усталаридан бири Давлат Чориев ушбу хайрли анъанани давом эттирди.

Эронда азалдан курашнинг ривожланиб келгани, ушбу мамлакатдан Рустами дostonдек кучли полвонлар етишиб чиққани тарихий манбалардан маълум. Ушбу турнирда эронлик курашчиларнинг муваффақиятли қатнашгани ҳам фикримиз далилидир. Чунончи, 100 килограммгача вазнда ушбу мамлакат вакили Фаллах Аббос ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан

жой олган бўлса, (мазкур вазнда ўзбекистонлик полвон Икром Нуриллаев учинчи бўлди), 100 килограммдан ортиқ вазндаги баҳсларда эронлик полвон Саид Хесравинежат фақат жаҳон ва Осиё чемпиони, бугунги кунда энг кучли ўзбек курашчиси Абдулла Тангриевдангина енгилди.

Чемпионатнинг ҳал қилувчи иккинчи кунини қизиқарли беллашувлар, ҳаяжонли лаҳзаларга янада бой тарзда ўтди. Полвонларнинг бетакрор маҳорати тўғрисида кўплаб учрашувларда ҳалол атамаси янграб, баҳслар муддатидан олдин яқунланди. Бунда ўзига хос "рекорд"лар ҳам ўрнатилди, десак мусобақа бўлмайди. Масалан, 73 килограммгача вазнда ҳамюртимиз Шерали Тўраев рақибини атиги 15 сония ичида ҳалол тарзда енгган бўлса, мутлақ вазнда Золбаяр Бадсаргал (Мўғулис-

миш Шерали Тўраев (Ўзбекистон) ҳамда тожикистонлик Расул Боқиевлар муддатидан олдин — ярим финалда ўзаро рўбарў келишди. Ушбу баҳсда ҳалол галабага эришган Р.Боқиев финалда Жанубий Корея вакили Жон Лью Сьёнгни ҳам доғда қолдирди ва Тожикистондан иккинчи жаҳон чемпиони бўлди.

Аёллар ўртасида 57 килограммгача вазн тоифасида ҳамюртимиз Румия Шайхудиновага учинчи ўрин насиб этди. Ушбу вазнда Кипр давлати вакили Ставриа Пенелоп финалда сингапурли Чга Все Лингдан устун келгани ҳолда зафар қўчди.

Албатта, курашнинг ҳар қандай тури бўйича ҳам энг шиддатли, ишқибозлар орзиқиб кутадиган баҳслар мутлақ вазн тоифасида бўлиб ўтади. Зеро, унда энг муносиб алпокатлар ўзаро куч синашишади. Бу гал ҳам шундай

ичида соф галабага эришиб, иккинчи олтин нишонни кўлга киритди.

Шундай қилиб, жаҳон чемпионатида кураш усталаримиз жамаи етти та олтин, бешта кумуш ва иккита бронза нишонларининг соҳиблари бўлишгани ҳолда кураш заминда энг кучли эканликларини яна бир қарра исботлашди.

Жаҳон чемпионатининг барча голиб ва совриндорлари муносиб тақдирланди. Абдулла Тангриевга эса мутлақ вазндаги голибга аталган Юртбошимизнинг махсус совринлари, келгусида курашнинг Олимпиада дастурига кириши ва Абдулланинг унда биринчи голиблардан бўлиши нияти билдирилгани ҳолда топширилди.

Турнир давомида айрим иштирокчиларнинг фикрларини қоғозга туширдик.

**Сергей МИХАЙЛОВ, россиялик ҳакам:**

— Ўзим Ўзбекистонда туғилиб ўсганман. Умиримнинг асосий қисми шу саҳий заминда ўтди. Ҳозирда Россия Одил судлов академиясининг марказий филиалида жисмоний тарбия кафедрасини бошқаряпман. Ўзбек курашининг Россияда ривожланиб бораётганининг гувоҳиман. Россиялик спортчилар илгари фақат ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчиликларида қатнашган бўлсаларда, бу катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида илк иштирокимиз.

Тўрт спортчи билан келиб, бронза нишонини кўлга киритганимизни ҳам ўзига яраша ютук деб биламан. Чемпионатнинг ташкилий жиҳатлари аъло даражада бўлди.

**Севара ДЕҲҚОНОВА, халқаро тоифадаги ҳакам (Фаргона шахри):**

— Чемпионатда юртимиздан учта ҳакам қатнашаётган бўлса, аёллардан яқна ўзим баҳсларни баҳолашда иштирок этапман.

Мени айниқса миллий спорт туримиз бўлмиш курашнинг аёллар ўртасида мамлакатимизда ҳам, жаҳонда ҳам тобора ривожланиб бораётгани қувонтиради. Уйлайманки, тез орада аёллар кураши умидбахш тарзда таракқий этиб бораётган Самарқанд, Хоразм, Фаргона, Тошкент шаҳарларидан кўплаб иқтидорли ёшлар етишиб чиқади.

Шундай қилиб, ушбу спорт турининг кенг қамрови, маънавияти ва фалсафасини намойиш қилган ҳолда навбатдаги жаҳон чемпионати ҳам нихосига етди. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, кураш ўзбек халқининг руҳи ва характериға яқин бўлган жасурлик, маънан бағрикенглик, адолатлилик ва инсонпарварлик каби қирраларни ўзида мутлақ жасам этади. Бинобарин, курашда ҳалоллик ва поклик каби мезонлар муҳим ўрин тутди. Курашнинг ушбу тамойилларига риоя этган ҳолда ҳаётдаги ҳар қандай вог ва тўсиқлардан хатлаб ўтиш мумкинлидир.


Жаҳон чемпионатининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳон чемпионати баҳслари расман яқунланган бўлса-да, эртага унинг доирасида Кураш Халқаро Ассоциациясининг навбатдаги ижрокўм йиғилиши, 29 ноябрда эса VI Конгресси бўлиб ўтади. Конгресс кун тартибига кўра унда КХА ва Халқаро Олимпия кўмитаси ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш ҳолати, КХА Уставига киритилган ўзгаришларни тасдиқлаш, КХА ижрокўм аъзолигига сайловлар ҳамда Ассоциацияга янги давлатларни қабул қилиш масалалари кўриб чиқилади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: кураш бўйича V жаҳон чемпионатининг ҳаяжонли лаҳзалари. Мухаммад Амин (ЎЗА) ва Ҳакимжон Солихов олган суратлар.**

## ЎЗБЕК КУРАШИНING ДОВРУФИ

ШАХРИМИЗДА ИККИ КУН ДАВОМИДА БЎЛИБ ЎТГАН КУРАШ БЎЙИЧА V ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ПОЛВОНЛАР КАТТА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШДИ



тон) япониялик рақибни Фужинава Макото курагини атиги 16 дақиқа ичида ерга теккизишга муваффақ бўлди.

Чемпионатнинг иккинчи кунини дастлабки финал учрашуви аёллар ўртасида 48 килограммгача вазнда Шаҳноза Мавлонова (Ўзбекистон) ҳамда туркиялик Европа чемпиони, қатор халқаро турнирлар голиби Юлдуз Сенсей ўртасида ўтказилди. Ярим финалда рақибини ҳалол усулида енгган Юлдуз Сенсей бу гал ҳам бор маҳоратини ишга солгани ҳолда муддатидан олдин галаба қозонди ва жаҳон чемпиони бўлди.

Иккинчи бўлиб мусобақани 60 килограммгача вазнда эркеклар яқунлашди. Бунда эронлик Мустафа Дайран, венгриялик Эрик Хаммер, афғонистонлик Абдул Воҳид Воҳидийни биринкетин енгган юртошимиз Фурқат Маматов финалга йўлланма олди. Мўғулистонлик Болбайтар Чимед устидан кескин ва мурасасиз финал баҳсида галаба қозонган (Фурқат) чемпионларимиз сафини оширди.

Аёллар ўртасида 52 килограммгача вазн тоифасидаги беллашувлар ҳам жуда қизиқарли кечди. Бунда финалда Сожида Мамадаминова (Ўзбекистон) ҳамда Илона Перге (Венгрия) ўзаро баҳс юритишди. Ҳал қилувчи учрашувни йиғинчоқлик билан ўтказиб, 1 дақиқаю 55 сония ичида ҳалол усулда рақибидан устун келган Перге венгриялик илк жаҳон чемпиони бўлди.


Кейинги вазнда — 66 килограммгача эркеклар ўртасидаги финал учрашуви ҳам ҳаяжонли лаҳзаларга бой ўтди. Тожикистонлик Рустам Боқиев ҳамда Греция вакили Алексанидес Лаврентис бир-бирларига жуда моҳ рақиб эканликларини учрашув давомида исботлашди. Фақат баҳс тугашига 3 дақиқа қолганидагина Р.Боқиев жуда чиройли усулни кўллаб ҳалол галаба қозонди ва жаҳон чемпиони бўлди.

73 килограммгача вазнда ҳам кучли полвонлар кўплаб йиғилганлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу вазнда энг кучли курашчилар ҳисоблан-

бўлди. Эркеклар ўртасида мутлақ вазндаги дастлабки беллашувадек юртимизнинг икки зўр полвони — жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев ҳамда Шухрат Муродовлар бир-бирларига рўбарў келишди. Кескин ва мурасасиз баҳсда Абдулланинг кўли баланд келди. Шуни айтиш керакки, бутун чемпионат давомида А.Тангриев ўзининг ажойиб спорт формасида эканлигини исботлади. Кейинги баҳсда халқаро турнирлар голиби Ўткир Курбоновни енгган Абдулла ярим финалга чиқди. Бу гал ҳамюртимизнинг грециялик полвон Василис Ильядис билан куч синашишига тўғри келди. Ҳар иккала рақиб бир-бирларига яхши таниш бўлиб, Грецияда бўлиб ўтган халқаро турнирда ўтказилган ўзаро баҳсда Абдулланинг кўли баланд келган эди. Бу гал ҳам полвонимизга галаба қозониш учун 1 дақиқаю 29 сония вақт етарли бўлди.

Шундай қилиб мутлақ вазн финалида А.Тангриев грециялик яна бир курашчи — Олимпиада ўйинлари қатнашчиси Дионисис Ильядис билан куч синашди. Абдулланинг улкан маҳорати ва бой тажрибаси олидида рақибни ҳам лол эди — 1 дақиқаю 58 сония вақт ҳамюртимизнинг ҳалол усулида муддатидан олдин галаба қозониши учун кифоя қилди. Шу тариқа Абдулла Тангриев ҳам юз килограммдан ортиқ вазнда, ҳам мутлақ вазнда ютукқа эришиб, икки қарра жаҳон чемпиони унвоиниға эга бўлди.

Аёллар ўртасида мутлақ вазн тоифасида ўтказилган мусобақалар ҳам кескин курашларга бойлиги билан алоҳида ажралли турди. Бунда ҳамюртимиз Мария Шекерова дастлабки баҳсни 20 сонияда тугаллаб, ўз мақсадлари жиддий эканлигини намойиш қилди. Яна бир моҳир курашчи — туркиялик жаҳон чемпиони Белкис Зехра Кая ҳам шиддат билан финал сари илгарилар борди. Зўрлар ҳал қилувчи баҳсда дуч келишди. Туркиялик спортчи ўзининг бугунги кунда энг кучли курашчи эканлигини исботлагани ҳолда 2 дақиқаю 45 сония



Ўзбекистон ва жаҳон

**ХИТОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ**

— Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари минтақада барқарорлик ва ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, — деб таъкидлади Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Юй Хунцзюн ўзининг мамлакатимизда фаолият бошлашига бағишланган қабул маросимида.

Элчи бундан бир ой муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрликларини топшириганида, мамлакат раҳбарининг Хитой — Ўзбекистон муносабатларига юқори баҳо бергани ҳамда бу алоқаларни янада ривожлантириш учун қатор ташаббус ва тақдирларни билдирганини эслатиб ўтди.

— Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликка Буюк Ипак йўли замонларида асос солинган бўлиб, бизнинг юртингиз доимо Шарқ ва Ғарб ўртасида кўприк вазифасини ўтаб келган — деди Юй Хунцзюн. — Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик иқтисодий, маданий алоқаларнинг ривожланишига кўмак берди.

— Хитой халқи Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини маъқуллайди ҳамда ҳукуматингизнинг давлат мустақиллигини ҳимоя қилишга, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган саяҳатларини доимо қўллаб-қувватлайди, — деб қайд этди Юй Хунцзюн.

Элчи дипломатик миссия фаолиятига Ўзбекистон ҳукумати ҳамда турли жамоат ташкилотлари кўмакдош бўлишига умид қилишини билдирди. — Хитой элчихонаси ҳам давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини қўшади, — деди Юй Хунцзюн.

Шу ўринда 2005 йилнинг май ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига қилган давлат ташрифи Хитой—Ўзбекистон муносабатларини янги поғонага кўтарганини эслатиб ўтиш лозим. Давлат ташрифи чоғида 24 та ҳужжат имзоланди. Уларнинг орасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тўғрисидаги Давлатлараро шарт-нома алоҳида ўрин тутди.

Хитой Ўзбекистон билан хавфсизлик, диний экстремизм ва фундаментализм, халқаро терроризмга қарши курашда бирдамлик билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бундан ташқари, икки давлат ўртасидаги савдо, транспорт ва коммуникациялар, ахборот технологиялари, машинасозлик ва кимё саноати, нефть ва газни қайта ишлаш соҳаларидаги ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шунингдек, маданий ва санъат соҳасидаги алоқаларимиз ҳам диққатга сазовор.

Аввал айтганимиздек, 2004 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси 70 фоизга кўпайиб, 600 миллион долларни ташкил этди. Хозирги пайтда Ўзбекистонда 25та Хитой компанияларининг ваколатхоналари, 83 та қўшма корхона фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон делегацияси Туркиянинг Бурса шаҳрида ўтказилган қишлоқ хўжалик халқаро кўرғазмасида иштирок этди. Мамлакатимиз қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Туркистон-пресс» ахборот агентлигига хабар беришларида, мутахассисларимизнинг Бурса шаҳрига сафарини Туркиянинг ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

**АГРАР СОҲАДАГИ АЛОҚАЛАР**

Ватанимиз делегацияси таркибида қорақўлчилик тармоғидан борган мутахассисларнинг халқаро кўрғазмада намоиш этган чорвачилик маҳсулотлари мезобонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар жаҳоннинг йирик қорақўл ишлаб чиқарувчилари қўлга киритган ютуқлар билан танишишди, тажриба алмашишди, халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш масалаларини муҳокама қилишди.

Маълумотларга қараганда юртимизда ҳар йили 650 минг донга яқин қорақўл терилари тайёрланади. Ваҳоланки, тармоқнинг мавжуд инфратузилмаси эса йилга минг-бир ярим мингтагача қорақўл териларини тайёрлаш салоҳиятига эга.

Йилво чорвачилигини 2015 йилгача ривожлантириш Концепциясини бажарилиши мазкур секторни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини шакллантириш имконини беради. Республикаимизда қорақўлчилик ва чўллар экологияси илмий текшириш институти фаолият юритмоқда. Сўнгги йилларда мазкур институт мутахассислари томонидан наслдор қорақўл қўйларининг саккизта тури яратилди.

Жорий йилнинг январ ойидан буён «Ўзбек-қорақўли» компанияси 1,5 миллион доллардан зиёд қорақўл терилари ва қўй жунини экспорт қилди. Бу эса ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 12,8 фоизга кўп демакдир.

«Туркистон-пресс» маълумотномаси: Туркиянинг ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг мақсади Марказий Осиё минтақасида энг янги технологияларни жорий этиш, шунингдек шерик мамлакатларга техник кўмак кўрсатишдан иборат. Мазкур агентлик Ўзбекистонда 1994 йилдан буён фаолият юритади. Ўтган давр мобайнида 500 га яқин турли соҳа мутахассислари Туркияда бир ойлик малака ошириб қайтишди. Бундан ташқари бир неча йирик лойиҳалар амалга оширилди.

**ПАЛАТАЛАР ЁРДАМИ**

Тошкентда ўтказилган бизнес анжуманида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси билан Австриянинг иқтисодий федерал палатаси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

— Ўзбекистон ва Австрия истиқболли интеграцион салоҳиятга эга, — деди Австриянинг иқтисодий федерал палатаси вице-президенти Рихард Шенц анжуманининг очилиш маросимида. — Биз мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмасини фаоллаштиришигина эмас, балки Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларимизни жойлаштириши ҳам истаймиз, — деб таъкидлади Р.Шенц. — Австрияда транспорт, медицина, фармацевтика каби турли ишлаб чиқариш ва соф экология соҳаларини ривожлантириш борасида катта тажриба тўпланган. Туризм секторини такомиллаштиришдан ҳар икки давлат манфаатдор бўлиши мумкин.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов битимнинг имзоланиши мамлакатларимиз ўртасидаги аънавий алоқаларни янги поғонага кўтаришига умид билдирди.

Мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазири Собиржон Ҳасанов анжумани иштирокчиларини давлатимиз иқтисодий салоҳиятининг бугунги кундаги ҳолати билан таништирди. Унинг сўзларига

қараганда, Президентимизнинг ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришга қаратилган қатор фармонларида хорижий шериклар учун қўшимча имтиёзлар яратилган. Хусусан, Президент фармонлари муювофик, инвестицияларни хориждан тўғридан-тўғри жалб этувчи корхоналар 1 июлдан эътиборан солиқ тўлашдан озод қилинади. Бу имтиёзлар корхоналарнинг қўшаётган ҳиссасига қараб, уч йилдан беш йилгача бўлган муддатга тақдим этилиши мумкин. Иқтисодиётнинг радиоэлектроника, ипакчилик, кимё-фармацевтика, энгил ва солик овозқат саноати каби соҳалари учун алоҳида преференция белгиланди.

Мазкур анжуманида ўтказилган қўшма биржада Австриянинг ўнта йирик компанияси ва мамлакатимиз тadbиркорлари, турли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари қўшма корхоналар ташкил этиш масаласини муҳокама этишди. Ўзбекистон билан Австрия республикалари ўртасидаги келишувга қўра, божхона ва солиқ преференцияларини қўллаб-қувватлаш назарда тутилган тартиб белгиланди. 2004 йил-

да икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси ҳажми 64,6 миллион долларни ташкил этди. Бу эса 2003 йил кўрсаткичларига нисбатан етмиш беш фоизга кўп демакдир. Ўзбекистонда 19 та Австрия—Ўзбекистон қўшма корхонаси тўқимачилик, фармацевтика, матбаачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича фаолият олиб бормоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо агентлигида савдо, маркетинг хизматлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Австрия фирмаларининг ўн битта корхонаси аккредитация қилинган. Хозирги вақтда мазкур Агентлик ва Ўзбекистон Республикасининг Венадаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўлкаимиздаги ўнта касб-хунар коллежаларини ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун Австрия ҳукуматининг имтиёзли кредитларини жалб этиш борасидаги масала ишлаб чиқилмоқда. Мазкур лойиҳани Австриянинг «Солар Прожект ГМ. БХ» компанияси билан ҳамкорликда амалга ошириш мўлжалланмоқда.

**ЭЛЧИХОНАДА ИТЕС КУНИ МАРОСИМИ**

Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонасида Ҳиндистон техникавий-иқтисодий ҳамкорлик (ИТЕС) дастури кунига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда турли йўналишлар бўйича ушбу мамлакатда таълим олган ва малака ошириб қайтган ҳамюртларимиз иштирок этдилар.

Маросимда Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор Элчиси Сканд Раджан Тайал ИТЕС кунини нишонлаш яхши аънамага айлиб қолгани ҳақида сўзлар экан, ушбу дастур Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорликнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланишини алоҳида таъкидлади. «ИТЕС йўлланмаси билан Ҳиндистонда бўлиб қайтган ўзбекистонлик мутахассислар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда», деди элчи.

Ҳиндистон техникавий-иқтисодий ҳамкорлик дастурининг фаолияти 1964 йили бошланган. Ушбу дастур доирасида Ҳиндистон ҳукумати Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Шарқий Европа, Форс қўрғазини ва Тинч океани минтақаларида жойлашган

жами 155 мамлакатга техник ёрдам кўрсатади.

Хар йили ИТЕС йўлланмаси билан Ҳиндистонда 2500 нафар мутахассис ахборот технологиялари, банк иши, молия, қишлоқ хўжалиги, энгил саноат, журналистика, инглиз тили, бухгалтерия, инсон заҳираларини режалаштириш, телекоммуникация ва бошқа кўплаб йўналишлар бўйича таълим олиши баробарида малака ҳам ошириб қайтади.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён ИТЕС дастури билан ҳамкорлик қилиб келади. Ўтган вақт давомида 800 нафардан ортиқ ҳамюртимиз Ҳиндистоннинг кўплаб етакчи ўқув юртурларида таҳсил олиб қайтишди.

Жаҳон ва «Туркистон-пресс» ахборот агентликлари материаллари асосида тайёрланди.

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ЎЎТАНИЎ**  
Домо бўлур...

Вазир ўз идорасида буларнинг сўзларини эшитиб турган эди. Дарҳол қоровулни чақириб вақани кириб сўради. Қоровул табассум қилиб:

— Бир киши келиб: «Мен вазири ошнасман, у бир неча вақт уйимда ижарага ўтирсам, энди ошнолик ҳақини талаб қилиб ёрдам олиш учун келдим», деди. Мен уни ҳузурингизга киргизмай маломат қилиб жўнатиб юбордим, — деди.

Вазир қоровулнинг уй эгасига муомиласидан қайғуриб унга: — Емон муомила қилиб у бечорани кўнглини бузгансан, дарҳол уни қидириб топиб келтир, — деб буюрди.

Қоровул уй эгасини қидириб топиб вазир ҳузурига келтирди. Вазир уй эгасига кўп меҳрибонлик кўрсатди, ҳол-ахлоқини сўради. Бир неча кун ёнида олиб қилиб иззат-ҳурматини баҳо келтирди, уни мону-дунёдан бениёз қилди, хотин, бола-чақалари учун ҳам туҳфалар берди, келиб туришини ўтиниби, иззату иқром билан уни ўз Ватанига жўнатди. Шундай қилиб уй эгаси севина-севина уйига қайтиб кетди. Ошнолик ҳақига риоя қилиш мана шундай бўлади.

Байт:  
**Кўнглини равшан эт меҳру вафодан, Ўғурма юз бурунги ошнодан, Агар ошнанг фақир булса, унутма,**

**Унга ёрдам этишдан кўлни тортма.**  
• Элу юрт билан ҳамжихат бўлган одам мусибат кўрмайди, зеро танҳоликда ўсган дархат узок яшамай қурийд, ўрмон ичида эса асрларча яшайди.  
• Одамларга ёрдам қўлини чўзган киши доимо бахт ва фаровон ҳаёт кечиради.

• Оилада ҳамжихат яшанг, унутмангки, «сеники-меники» бор жойда қулфат йўқолмайди.  
• Қариндошларга, кўни-қўшинларга яхшилик қил, улардан олган совғанг эвазига қимматлироқ нарса ҳозирла.  
• Чиройли тўнғинни ўзинг кий, ширин таомингни эса бошқаларга тут.

• Халқнинг чин ўғиллари учун халққа самимий изматдан кўра, муқаддасроқ нарса йўқ.  
**Ўзидан бурун хар ким эл роҳатин, Агар кўзласа, унга минг офарин.**

• Сукрот ҳаким айтди:  
— Ўқиб-ўрганмасдан ҳам фойда ва зараринг фарқига етас олам, деган одамни тентак деб билмоқ керак.

• Улуг шоир Мирзо Бедил айтди:  
— Кимки ҳаёт шашмини илм нури билан ёкса ҳаёти асрлар бўйи сўнмайди.

**Ҳикоя:** Арасту ёши етмишга етганда барбат чалишини ўрганбди. Шогирдлари: «Опоқ соқолингиз билан барбат машқ қилгани уялмайсизми?» — деб сўрашса, у шундай жавоб берибди:

— Даврада ўтирган одамлар бу хунари билгани ҳолда мен кўзимни мутиллатиб ўтирсам, унда уят бўлур эди. Хар қандай илму хунардан хабардор бўлиш уни ўзлаштириш йўлида тортиш мумкин бўлган барча азиятларни билиш одамнинг фазилатидир. Жоҳил кишигина бунни тушунмайди ва фойдалана билмайди.

• Кошифий айтди:  
Хушмуомилалик, мулоимлик ўзаро муро-мадора қилишдир. Кимки хушмуомила бўлса камол топади.

Танловлар



КУЗ МАЛИКАСИ

Юргил далаларга кетайлик дўстим,  
Диққинафас уйда ётмоқ пайтимас  
Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун  
Бир пари фаслининг оғушидан маст.

Дарҳақиқат, зарҳал кузнинг сўнгги оғи ҳам ўз нихоясига етмоқда. Дарахт япроқлари заррин рангга бўялган. Она табиат сокин ва виқорли қиш фаслини кутиб олишга шайланмоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида олтин кузни кутазмоқ учун турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги "Маънавият ва маърифат" маркази, халқ таълими бўлими ва ўқувчилар ижодиёти маркази, "Камолот" ЕИХ туман бўлими ҳамкорликда "Олтин куз" мавзусида тадбир ўтказилди.

— Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад, — дейди туман ўқувчилар ижодиёти маркази Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Ширмонои Асранова, — мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш, Сихат-саломатлик йили давлат дастурини бажариш, "Мактаб, маҳалла, оила" концепциясини амалга ошириш, асосийси азалии удумларимизни, қадриятларимизни ёш авлодларга намуна қилиб кўрсатиш, уларнинг онг ва фикрлаш қобилиятларини янада юксалтиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, ушбу тадбирнинг мазмун ва моҳияти жиҳатидан ўқувчилар савиясини оширишга қаратилганлиги диққатга сазовордир.

Танишув, "Олтин ошона", "Уй вақфаси" ва "Ерга ташласанг уруғ — ер сени қуймас курук" мавзуларидаги шартлар бўйича тумандаги барча мактаблардан саралаб олинган гуруҳлар иштирок этди-

лар. Шунингдек, тадбирда ўқувчилар "Куз кўринишлари" мавзусида асфальтга расм чизиш билан бирга "Куз фаслининг бир қирраси" деб номланган расмлар, плакатлар танловини ҳам ташкил қилдилар.

Ушбу танловда 241, 308-мактаблар ўқувчилари биринчи, 256, 210, 148-мактаблар ўқувчилари иккинчи бўлишди ва нихоят учинчи ўринни 225, 35, 223, 211, 99-мактаблар ўқувчилари эгаллашди. "Куз маликаси" номинацияси ғолиблигига эса Саида Аббосова муносиб деб топилди. Танловга "Соғлом авлод учун" жамғармаси ва "Камолот" ЕИХ туман бўлиmlарининг факрий ёрлик ҳамда совғалари топширилди.

Танловдан сўнг ҳакамлар ҳайъати раиси, "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими раҳбари Ҳалима Жуманиёзованинг фикрларини қозоғга туширдик. — Мазкур тадбир жуда ҳаяжонли ва қизиқарли ўтди, мустақил фикрлаш, ижодкорлик, янгиликларни излаш, миллий урф-одатларимизни янада мукамал ўрганиш ўқувчилар онига сингдирилди. Шу каби танловларини тез-тез ўтказиб туриш мақсада мувофиқдир.

Танлов давомида куз фаслининг нечоғ-



лиқ саховатли ва саҳий, тўкин-сочин эканлигини ўқувчилар яна бир бор ўз ижодларида намойн қилиб бердилар. Тадбирда Шукр Бурҳонов, Нодирабегим, Азамат, Ҳумоюн, "Навбахор" маҳаллалари фаоллари ҳам меҳмон сифатида иштирок этдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА  
СУРАТЛАРДА: "Олтин куз" танловидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин  
олган суратлар.

Ҳар тўғрида  
бар шингил

ЯНГИ ПОРТ  
ТОПИЛДИ

Тамилнад штатидаги Вагай бўйларида олиб борилган археологик қазилма ишлари натижасида эраимизгача бўлган III-IV асрларда ландрлар империяси даврида гуллаб-яшнаган порт қолдиқлари топилди. Бу ҳақда департамент директори, археология профессори Р.Нагасвами журналистларга порт III асрдан бошлаб тамиллар ихтиёрида бўлганлигини айтди. Унинг фикрича, эраимизгача бўлган I асрда мана шу порт орқали қадимий Рим билан яхши муносабатлар ўрнатилган. Бу тахминларни қазиб пайтида топилган бешта қадимий Рим тангалари ҳам тасдиқлайди. Маурьевлар саройидан топилган қора, сайқалланган қулочлик идишлари ландрлар шимолий Ганг бўйида яшовчи халқлар билан ҳам алоқадар бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Қимматбаҳо тошлардан ясалган аёллар безаклари бу ерда заргарлик ишларининг яхши ривожланганлигидан дарак беради.

ШУ ҚАДАР ҲАМ  
СОДДАЛИК  
БЎЛАДИМИ?

Аёлларнинг соддаликлари барчага маълум, бироқ у баъзан шу даражага етдики... Кўчалардан бирида электрон табло осилган бўлиб, унда вақт ва об-ҳаво кўрсаткичлари намойн бўларди. Унга зарар етибдими, вақтни тўри кўрсатаётгани-ю, об-ҳаво кўрсаткичи — 310 даража иссиқни акс эттирганди. Бу англашилмовчилик экани албатта тушунарли, ҳеч ким бу ёзувга эътибор бермаётгани ҳам. Бироқ икки ёш аёл бу кўрсаткични кўриб, таққа тўхташди. Улардан бири: "Нима деган эдим? Бугун кечагига қараганда анча иссиқ дегандим-ку! Ана ўзинг кўр!" — деди. Иккинчиси бир дугонасига, бир иссиқлик даражаси кўрсаткичига тикилди. Кимга ишонини ўйлади, шекилли. Уч дақиқагача туришди-ю, бирдан нима бўлаётганини тушуниб қолишди. Икковлари ҳам қаҳ-қаҳ отиб қулиб, масҳара бўлмаслик учун тезроқ бу ердан жуфтани ростлаб қолишди. Соддалик ва ишонувчанликнинг ҳам чегараси бўлиши керак-да.

САВОЛ-ЖАВОБ  
НАТИЖА

"Билды ан Зонтаг" рўзномаси топширигига биноан Берлин жамоатчилик фикрини ўрганиш институти (ФОРСА) ўтказган сўнги савол-жавоб натижаларига қараганда, немисларнинг кўпчилиги "Германия Федератив республикасининг ҳозирги ҳукумати мавжуд муаммоларни ҳал этишининг урдасидан чиқа олмайди. Германияга бошқа канцлер зарур", деб ҳисоблайди. Институт мамлакатнинг Фарбий ва Шарқий ўлкаларида савол-жавоб ўтказган.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарорига мувофиқ куйидаги паст ливидли давлат объектини инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов эълон қилади!

Объект номи	Манзили	Танлов шартлари			
		Бепул бериш тартиби бўйича	Фаолият тури бўйича	Минимал инвестиция мажбуриятлари миқдори (млн. сўм)*	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш мuddати (йил)
1	2	3	4	5	6
9 қаватли (А ва Б блоклардан иборат), умумий майдони 5835,0 кв. метрга тенг бўлган 7-сон ётоқхона биноси	Мирзо Улуғбек тумани, "ТТЗ" даҳаси, 2-мавзе, Белоножко кўчаси, 12-уй	Мулкий мажмуа сифатида тўлиқлигича	Фаолият турини сақламаган ҳолда	500,0	2

Изоҳ: \* Ушбу инвестиция миқдори, инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ миқдорда кўрсатилиши мумкин.

Танлов савдолари санаси: 2005 йил 27 декабрь, 2006 йил 10 ва 24 январь ҳамда 7 ва 21 февраль кунлари.

Танлов савдолари соат 11,00 да Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 16-А-уй манзилида бўлиб ўтади.

ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан қуйидаги ҳужжатларнинг тақдим этилиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эғалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қафолат хати).
  2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг ҳулосаси.
  3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).
- Ушбу ҳужжатлар ва инвестицион таклифлар танлов савдоси кунин-

дан **уч кун** аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шартлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 16-А уй.  
Маълумот учун тел: 133-39-57, 133-22-98.

**Спорт**

**СИХАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ**

Ҳар йили Республикада кўзи оғирлашган жамияти ташаббуси билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида кўзи оғирлашган ўртасида шахмат бўйича халқаро турнир уюштириш оdatий ҳолга айланган.

Жорий йилда ҳам ушбу анъана давом этди. Кунни кеча Тошкент вилоятининг Янгийул туманидаги юрак ва асаб касалликлари санаторийсида кўзи оғирлашган шахмат бўйича халқаро турнир беллашувлари ўтказилди.

Шуниси қувонарлики, ушбу турнирда ўзбекистонлик «акл гимнастикаси» усталаридан ташқари Тожикистон, Туркменистон, Қозғистон республикаларидан келган шахматчилар ҳам катнашди. Дарвоқе, тожикистонлик Сўҳроб Ҳамдамов, қозғистонлик спорт устаси Николай Белохриловларнинг ҳам иштирок этганлиги йилдан йилга ушбу турнирнинг нуфузи ортиб бораётганини яқол исботлайди. Шунини қувонч билан таъкидлаш жоизки, етти нафар хорилик шахматчи ҳамда йигирмадан ортиқ ўзбекистонлик «акл гимнастикаси» усталари баҳс олиб борган ушбу мусобақалар мурасасиз қурашларга бой, қизиқарли кечди. Мусобақалар якунида голиб ва совриндорларга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Кўзи оғирлашган жамияти томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар тўхфа этилди.

**КИМ БОШ МУРАББИЙ БЎЛАДИ?**

Маълумки, шу кунгача футбол бўйича ўзбекистон терма жамоасини англиялик мутахассис Боб Хоугтон бошқараётган эди.

2005 йилнинг июль ойидан терма жамоамизга бош мураббийлик қилган Боб Хоугтоннинг ўзбекистон футбол федерацияси билан тузган тўрт ойлик шартномаси якунига етгач, англиялик мутахассис ўз вазифасидан кетишга қарор қилди. Хабарларга кўра Боб Хоугтон Хитой олимпияга терма жамоасида фаолиятини давом эттириши мумкин. Ўзбекистон терма жамоасига эндиликда ким бош мураббий бўлади? Буни вақт кўрсатади.

**РУСТАМ ИТАЛИЯГА БОРАДИ**

Жорий йилда хорижлик футбол мутахассисларининг юртишда тез-тез ташриф буюришлари, чемпионат ўйинларини кузатиб ёш, икtidорли футболчиларимизни ўз клубларига таклиф этишлари оdatий ҳолга айланиб қолди.

Жорий йилги мавсумни анча муваффақиятли яқунлаган «Трактор» жамоаси футболчиси Рустам Бокиев эндиликда Италия чемпионатида тўп суриши мумкин. Гап шундаки, Италиянинг машҳур «Лече» клуби мураббийлари Рустамни ўз жамоалари сафида қўришни хоҳлашмоқда. Биз эса мухлислар номидан Рустам Бокиевга «Лече» машгулотларида синовдан муваффақият билан ўтишини тилаб қолаемиз.

(Ўз мухбиримиз)

**«01»**

**ХАВҒСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ**

Куз фасли ҳам тугаб бормоқда. Ҳаво ҳароратининг тез-тез ўзгариши, кунларнинг совуб кетиши корхона, муассаса, аҳоли турар жойларида ёнгин чикиш хавфининг ошишига сабаб бўлади. Бепарволикнинг жатта талафотларга олиб келишини ҳар биримиз ҳам тушунавермаймиз. Оддий қондага риюя қилмаслик бу тинчлик-осойишталик, кут-баракат, энг қадрли ва муқаддас оила, ширин фарзанд ва яқин инсонлардан жудо бўлиш, бир умрга ногирон одамга айланиб қолиш деганидир.

Сир эмас, кунлар совиши билан барчамиз хонадонларимизни иситиш мақсадида газ ва электр асбобларидан фойдаланамиз. Лекин қай тарзда? Орамизда носоз ёки қўлбўла электр ва газ мосламаларини ишлатган ҳолда хонадонини қулга айлантириб, ўзлари ҳам қурбон бўлиб кетган инсонлар бор. Газ ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ҳамда хоналарни иситиш мақсадида газ плиталарини, духовкаларни ёки қўйиш, назоратсиз қолдириш, тутун йўллариининг носозлиги, дудбўронларни тозаламаслик оқибатида келиб чиқаётган ёнгинларнинг сони сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Бундай асаббузарлик ва талафот бўлмас-

лиги, уйингизда офат балоси чиқмаслиги учун газдан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қондаларига риюя қилишингизни сўраб эдик. Шу билан бирга Ҳамза тумани ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлими қуйидаги ёнгинга қарши чораларни қўришингизни эслатиб ўтади.

Мўрихоналарнинг теvarак-атрофида хашак, ўтин ва шунга ўхшаш ҳар хил тез ёнғичи уй-рўзғор буюмларини сақлаш тақиқланади.

Иситиш печларидан сурункали ва тинимсиз фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда қаровсиз қолдириб кетиш қатъиян ман этилади.

Ёқилган иситиш печлари устида, тева-

**Маънавият**

**УНИВЕРСИТЕТДА ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ**

Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университетида ажойиб анъана бор: бу ерда тез-тез турли мавзудаги тадбирлар, таниқли шоир-ёзувчилар, давлат ва жамоат арбоблари билан учрашувлар ўтказиб турилади. Бундай тадбирлардан асосий мақсад талаба-ёшлар фаолигини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири университетнинг Халқаро муносабатлар факультетида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, сеvimли адиби, «Сариқ девни миниб» ва «Сариқ девнинг ўлими» романлари орқали миллионлаб китобхонлар қалбидан жой олган Худойберди Тўхтабоев билан талабалар учрашуви ташкил этилди. Учрашувни факультет декани Қодир

Жўраев олиб борди. Дастлаб ёзувчи ўзининг ҳаёт йили, болалик йиллари ҳақида қисқача хикоя қилиб берди. Ижод дунёсига кириб келган пайтларини хаяжон билан эсга олди.

«Сариқ девни миниб», «Қасоскорнинг олтин боши» романларининг ёзилиш тарихи барча талабаларда қизиқish уйғотди. Энг эътиборлиси, сеvimли ёзувчимизнинг аллақачон машҳур бўлиб кетган

«Сариқ девни миниб» романи қирқ йил давомида 30 дан ортиқ тилга таржима қилинган экан. Роман ёзилган пайтларда муаллифга турли жойлардан қоплаб хатлар келган.

«Қасоскорнинг олтин боши»даги Намоз ботир тўғрисидаги воқеаларни эса адиб тўққинлашиб гапириб берди.

Тадбир давомида факультет талабалари кўнгина саволлар

билан ёзувчига мувожаат қилишди. «Ҳадеб болаларимизни китоб ўқимасликда айблайвериш тўғри эмас. Китобга ташна ёшлар жуда кўп. Фақат яхши китобларни кўпроқ нашр этиш керак», — деб жавоб берди адиб саволлардан бирига. Шунингдек, унинг хозирги ўзбек адабиёти, романавислик ва ёзувчилик борасидаги мулоҳазалари йиғилганлар эътиборини тортиди.

Бир сўз билан айтганда, нутқи асарлари каби юморга бой ёзувчи билан ўтказилган ушбу учрашув барчага манзур бўлди.

**Бехзод ҲАЗЛИДДИН, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатик университети Халқаро муносабатлар факультети Халқаро журналистика бўлими магистранти.**

**ТАФАККУР КАМОЛОТИ**

- Одамнинг қанақалигини кўрсатувчи ойна унинг одобида.
- Одоби кишининг насибаси ўзидан олдинда юради.
- Одоб — маънавий бойлик демакдир.
- Одоб бахт эшигининг остонасидир.
- Камтарлик жамият дарахтининг меваси, лоқайдик эса жамият дарахтига тушган шира.
- Кибр акани уқадан, дўстни дўстан ажратади.
- Камолотли одамнинг сўзларидан дур ёғилади.
- Кўнгулга сифмаса, бир сўз ҳам ортиқча.
- Кўнгулдаги ҳар бир ўзгариши қўз орқали билиш мумкин.
- Ҳақиқий лаёқат — меҳнат натижаси.
- Виждон қонундан устун туради.
- Тарбияси йўқ кимсаларда беъмани қилиқлар кўп бўлади.
- Қарга кўнган ерга булбул кўнмайди.
- Норозилар борми, демак нимадир ўз ўрнида эмас.
- Дарахтларнинг гуллаган пайти уларнинг келинчақлик давридир.
- Қулф қалитни эмас, қалит қулфни ўйнатади.
- Ҳаётда кам адашишни истасанг кўп тингла.
- Ҳайрат қилганга тоғ ҳам бардош беролмайди.
- Қайтар дунё дейишганга ишон. Вақти келиб отган маломат тошларинг ўзинга келиб тушади, қилган муруватинг ўзинга қайтади.

**Тўлқин МУҲИДДИН**

**Мунажжид башорати**

**ҲАЗОВИЙ УЙҒУНЛИК КУНИ 29 НОЯБРЬ, СЕШАНБА**

Бугунги кун Ҳазовий уйғунлик, осойишталик, хотиржамлик, ҳаётдан мамнулик билан боғлиқдир — мунажжидлар бу кунни шундай таъсирлашган. Бугун қалбларингизни сокин ҳурсандлик, қувонч хислари тўлдириши керак. Мабодо, шундай бўлиб чиқмаса — демак сиз умумий уйғунликдан ташқарида экансиз. Бинобарин, сусткашликка йўл қўймай, тез орада ўзингиздаги меҳр-муруват ва виждон танқислигини қоплашингиз керак бўлади.

Агар бир интилишда бунга эриша олмасангиз, тушунликка берилманг. Дам олиб, ҳордиқ чиқариб, фарзандларингиз тарбияси билан шугуллангиз. Атрофдагилар билан мураса қилиш, хайр-садақалар тарқатиш керак. Бугун бирон-бир ишга қўл урмай, балки келгуси ҳаракатларингиз режасини тузинг, ўз сўқмогингизни танланг.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда шунини айтиш мумкинки, серғайрат, тиниб-тинимас кишиларда бугун ғайриоддий қобилиятлар намойён бўлиши мумкин. Умуман, бугун ўз-ўзингизга жуда эътиборли бўлишингиз талаб этилади — ўз ҳиссиётларингизга қулоқ тутинг, кузатувчанлик истеъдодингиздан тўла фойдаланишга ҳаракат қилинг.

Тушулур ўнгидан келади деган ва башоратли бўлади. Кўзгү ёрдамида ўзингизни туш қўришга тайёрлашингиз мумкин. Кўзларингизни асранг — кўзни қамаштирадиган ёруғлик манбаига қараманг. Юрак-қон томир тизими хасталиқларидан азият чекувчилар кечагидай бугун

ҳам эҳтиёт чораларини қўриб, шифокорлар тавсия этган муолажаларни вақтида адо этганлари маъқул.

Оқ, сариқ ва юлғун рангли либослар бугунги кун учун омадли ҳисобланади. Қора ва жигаранг кийимларингизни чек-қароққа суриб қўя туринг.

**СЕШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

- каттагина журъат ва жиддий жисмоний куч талаб этадиган ишлар билан шугуллангиз;
- зарурат туғилганда куч ва ҳокимиятдан фойдаланиш;
- тиббиёт, спорт ва ҳарбий касблар вакиллари билан мулоқотда бўлиш;
- гашингизга тегадиган барча нарсалардан, чуноники, кераксиз буюмлар ва ёмон оdatларингиздан халос бўлиш;
- қарзга пул олиш, ўзаро муносабатларни аниқлаб олиш;
- фаоллигингизни намойён этиш, ғайрат билан ҳаракат қилиш тавсия қилинади.
- Танбалликка берилиш, бекор ўтиришдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**

Манзиллари: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
2496 нусхада босилади. Қўғаз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсатқичи — 563

Нашрни etkazib бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтманига» — 133-74-05 телефонига мувожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақлашланади.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.